

# Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 28-avgust №35 (4330)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:



Ганиева Суйима Ганиевна — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри



Санакулов Кувондик — «Навоий» кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори, Навоий вилояти



Тополдиев Таваккал Темирович — «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси



Ҳосилов Аваз — Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 август

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САЊАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
САЊАТ АРБОБИ»

Тошмуродов Маҳмадёр  
Эргашевич — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ АРТИСТИ»

Азизов Мирзажон Мамажонович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театри актёри  
Алимов Самандар Чориевич —

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Усмонов Рамиз Бекназарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ БАХШИСИ»

Умиров Расул Қараевич — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги ишчиси, бахши

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ УСТАСИ»

Иноғомов Ҳакимжон Ёқубович — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси ганчкор устаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Холиқова Одинахон Носировна — Фарғона вилояти Кува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Эрматов Машраб Эргашевич — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, ҳофиз

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдуллаева Раиса Ураимовна — Жиззах вилоят мусикали драма театри актёри

Галахов Олег Викторович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Давлатова Олеся Владимировна — «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси артисти

Жўраева Ёқутхон Маъмуровна — Қўқон шаҳар мусикали драма театри актёри

Қобилова Зиёда Ўткировна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Мўминова Зулхумор Аноркуловна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Назарова Нгархан Кеунимжаевна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли балет артисти

Давоми иккинчи саҳифада.

## ИНСОН БАХТ УЧУН ЯРАЛГАН

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Она юртамиз бахту  
иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий  
саодатдир» китобини ўқиб

### Инсондек яшаш саодати

Инсон қачон одамдек яшайди? Қачонки, эмин-эркин нафас олса, рўзғори бут, оиласи, болачақаси, элу юрти соғ-омон бўлса, бугунги кундан рози, эртасидан кўнгли тўқ яшаса. Буларнинг ҳаммасини таъминлаб берадиган замин — халқнинг озодлиги, давлатнинг мустақиллиги! Мустақиллик ҳам гўё сув, ҳаво, нон каби азиз ва тансиқ неъматдир. Афсуски, борида унинг борлигини кўп ҳам сезавермаймиз, аниқроғи, шу муҳим масалада ҳам баъзан эътиборсизликка бериламиз. Гўё азал-азалдан шундай бўлиб келгандек.

Шу маънода «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобидаги мана бу сўзларда тегар ҳақиқат мўжассам. «Инсоннинг табиати шундайки, вақт ўтиши билан ёмон воқеалар эсидан чиқади. Бир томондан қараганда, бу — тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган бахтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон

ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида орта назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабоқ чиқариб яшаш лозим».

Бир хонада бир неча киши гурунглашиб ўтирибди. Сўхбат кундалик турмушнинг иқир-чиқирлари ҳақида. Ичкари димқиқиб, нафас олиш қийинлашади, шундагина кимдир деразаларни очиб қўйиш учун ўрнидан кўзгаллади. Ҳаво етишмаяпти, деб ёқасининг тугмаларини ечади. Мустақиллик ҳам биз учун ана шу ҳаводек ҳаётий заруратдир. Инсон бўлиб яшашимиз учун лозим бўлган энг улғу неъматдир.

«Биз мустақиллик даврида нималарга эришганимизни, ҳаётимиз нақадар ўзгариб, юксалиб бораётганини ўзимизга аниқ тасаввур қилмасдан туриб, бугунги кунда барча жабҳаларда қўлга киритаётган улкан натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, уларнинг қадр-қимматини тушуниш, англаб етишнинг ўзи қийин деб ўйлайман», деб ёзади муаллиф китобнинг «Мустақиллик — тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир» бўлимида.

Давоми учинчи саҳифада.

## САМАРҚАНД ОҚШОМЛАРИ

«Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивали — халқаро маданият кўприги сифатида дунё санъаткорларини қадим ва навқирон Самарқандга жамлаб турган ушбу кунларда шаҳар кўчалари, боғлари ва хийбоналари байрамона безатилган. Шаҳардаги қирққа яқин турли фавворалар ишлаб, ҳавони янада сўлимлаштириб турибди. Самарқанд оқшомлари турли тиллардаги дилторлар наволардан яна ҳам фусункор.

«Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалининг айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилишида чуқур маъно бор. Самарқанд қадим замонлардан дунёнинг илм-фан, маданият ва санъат, ҳунармандчилик ривожланган машҳур шаҳарларидан ҳисобланади. Ипак қўғозлари, шойи ва атласи, бетакрор санъати билан дунёга машҳур бу заминдан жаҳон тамаддуни, илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар етишиб чиққан.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йиллари Самарқандга, унинг тарихий ва маданий бойлиқларига эътибор ҳар қачонгидан-да ошди. Ўзбекистон ҳукумати ушбу қадимий ва ҳамisha навқирон кентнинг тарихий ва маданий ёдгорлиқларини сақлашга алоҳида эътибор қаратди. Самарқанд ўзининг янги қиёфасига эга бўлди. Шаҳардаги осори-атиқалар қайта тикланди. Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда мажмуаси, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Амир Темур мақбараси ва яна қанчадан-қанча тарихий обидалар мукаммал таъмир қилиниб, атрофи ободонлаштирилди.

5

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

## ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ КЎЗГУСИ

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи пойтахтимизнинг энг гавжум зиёратгоҳларидан бирига айланади. Ватан озодлиги, миллат манфаати йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотирасини, тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган бу муаззам даргоҳда миллатимизнинг азиз фарзандлари хотираси яна бир бор ёдга олинади, эъзозланади.

Аслида, йил-ўн икки ой бу табаррук маскандан зиёратчилар қадами узилмайди. Шаҳидлар хийбонасидаги Рамзий қабри нафақат юртимиз фуқаролари, балки хориждан келган меҳмонлар ҳам зиёрат қилиб, дуо ўқишади, сукут сақлаб эҳтиром билдиришади. Бу ернинг табиати асли шундай: инсон хотираси олдида таъзим қилишга ундайди. Жийдалар, оқ қайину арчзорлар, тўлиб оқаётган анҳор суви халқимизнинг армонли яқин ўтмишидан ҳикоя қилаётган-

дек. Қадимий анъаналаримиз уйғунлашиб кетган тошкентча, самарқандча ва хоразмча услубдаги эшиклар, устунлар улғуворлиги аччиқ қисматларни эслатувчи сукунат оғушида янада маҳобатли кўринади. «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи тарихимизнинг мустақиллик давридаги фожияли саҳифаларини, шаҳид кетган аждодларимизнинг пок номларини эслатиб, халқимизнинг нурили истиқболга юксак умидлар бағишлаб тургани билан бизга ниҳоятда қадрлидир. Шу боис мустақиллигимизнинг 24 йиллик тантаналари шукуҳи кезиб юрган айни кунларда ушбу музей фаолияти билан қизиқдик. «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр ҲАСАНОВ билан суҳбатимиз ушбу даргоҳда бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар ҳусусида бўлди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

3,4

Ватанимиз мустақиллигининг

24 йиллигига бағишлаб она дёғримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улғувор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадий-публицистик мақолалар, очерклар, нарийр ва шеърый йўналишдаги энг яхши асарлар учун Ўзбекистон

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

I-ўрин:

Мухтарама Улугова — «Баҳор келди сени сўроқлаб» китоби учун;  
Абдували Кутбиддин — «Давлат» дoston ва шеърлар тўплами учун.

II-ўрин:

Мухаммад Салом — «Катта хонадон» романи учун;  
Бегийим Холбекова — Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «I was love» номли инглиз тилидаги шеърлар тўплами таржумаси учун;  
Ғайрат Махид — матбуотда эълон қилинган мақолалар, шеърлари учун.

III-ўрин:

Салима Умарова — «Офтобли кунлар» қисса ва хикоялар тўплами учун;  
Абулқосим Ўтепбергенов — «Танланган асарлар» тўплами ва ўзбек мумтоз шеърыйати

## «Ватан учун яшайлик!»

Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган «ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!» V Республика танлови якунланди.

Қуйидаги ижодкорлар замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимо-

ий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий гурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилган асарлари учун «ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!» Республика танлови мукофотига сазовор бўлдилар:

намоёндалари газалларига муҳаммаслари учун;  
Абдуваҳид Азимов — «Рухи равоним» шеърлар тўплами учун.

РАФАЪЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ:

Асрор Мўмин — «Мунир ишқ» шеър ва таржималар китоби учун;

Мухаббат Туробова — «Тириклик қадри», «Оқибат» шеърлар, очерк, бадиалар китоби учун;  
Бахтиёр Ҳайдаров — «Инсоннома» маънавий-маърифий рисоласи учун;

Наргиза Асадова — «Настарин» шеърлар, қатралар китоби ва матбуотда чоп этилган мақолалари учун;

Отабек Исмоилов — матбуотда эълон қилинган бадий публицистик мақолалари учун.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Энг азиз ва энг улғу байрамимиз арафасида Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланганлар сафида таҳририятимизнинг танқид ва адабиётшунослик бўлими мудир, таниқли адабиётшунос ва таржимон Аҳмад Отабоев ҳам бор. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланди. Кўп сонли муштарийларимиз ва таҳририят ходимлари номидан ҳамкасбимизнинг юксак мукофот билан қутлаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Таҳририят.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҲҲРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ”

**Жулйева Дилором Нурмама-товна** — Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Курбанбаева Зейнеп Хожабаева** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани Тахиятош энергетика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Солижонов Йўлдошхўжа** — Фаргона давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Султонов Нурали Шодмонов** — Қашқадарё вилояти “Насаф” футбол мактаби катта мураббийи

**Тешабоева Одинахон Дилмуродовна** — Андижон вилояти Пахтаobod туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ”

**Есмурзаев Базарбай Кенгесбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси “Қорақалпоғистон” телеканали “Хабар” муҳарририяти шарҳловчиси

**Отабоев Аҳмад** — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бўлими мудири

**Рўзиев Шерзод Ташкентович** — Ўзбекистон миллий телерадиоканали “Тошкент” телерадиоканали “Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар” муҳарририяти бош муҳаррири

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ”

**Авазхўжаев Анвар Хожимуродович** — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси телеоператори

**Бегимкулова Замира Латифовна** — Ўзбекистон миллий телерадиоканали “Ўзбектеlevision” студияси сахналаштирувчи режиссёри

**Музаффарова Саодат Ҳайдаровна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ўқитувчиси

**Насимов Ҳилол Тўлқинович** — “Ўзбекфильм” киностудияси постановкачи-режиссёри

**Раҳимжонов Нўмон Каримович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ”

**Ососков Александр Владимирович** — Республика онкология илмий маркази таркибидagi Республика рентген-радиология маркази мудири

**Йўлдошев Набижон Пиримович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ”

**Суйима ҒАНИЕВА,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони:

## БУРЧ ВА ЭЪТИРОФ

Юртимизнинг энг улуғ байрами арафасида матбуотда эълон қилинган Президентимиз Фармони маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Тақдирланган ҳамюртларимиз қаторида мен ҳам энг юксак мукофотга муносиб бўлганимдан давлатимиз раҳбарининг бизга катта эътибори, қолаверса, мустақиллигимиз шарофати, бизни улуғ алломаларимиз руҳи қўллаганидир. Чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман. Бу олий мукофот нафақат менинг, балки ўзбек адабиёти фидойилари, адабиётшунослари фаолиятининг юксак

эътирофидир. Мустақиллик бизга катта имкониятлар берди: Навоийшунослик ва умуман, мумтоз адабиётимизнинг ҳозиргача ўрганилмаган соҳалари тадқиқ этилиб, ҳолисона баҳоланмоқда, бебаҳо китоблар қайта-қайта нашр этилмоқда. Ҳали олдимизда катта ишлар турибди. Қўллаб-қувватларимиз ва алломаларимизнинг қадимий қўлёзмаларини ўқиш, тадқиқ этиш лозим. Бу борада сафдошларимга, шогирдларимизга, ёш адабиётшуносларимизга куч-қувват, муваффақиятлар тилайман.



Мен бутун фаолиятимни мумтоз адабиётимизни ўрганишга, халқимиз орасида ва хорижий мамлакатларда тарғиб этишга бағишладим. Мингдан ортққ илмий мақола, рисола ва китобларим эълон этилди, ўттиздан зиёд давлатларда ўтказилган Шарқ халқлари адабиётига бағишланган илмий анжуманларда миллий адаби-

вич — Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

**Шоқодиров Рустам Исрофилович** — Ўзбекистон миллий телерадиоканали Тошкент телемаркази гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйдагилар мукофотлансин:

## II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

**Отабоев Алимжон Жуманазарович** — Республика қўғирчоқ театри актери

**Кутлимуратова Феруза Калбаевна** — Нукус “Она ва бола скрининг” маркази бўлими мудири, генетик-шифокор

**Маманазаров Курбон Мамаражович** — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири

**Нурова Зайнаб Эргашевна** — Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси

**Эминов Баҳодир Жўраевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона филиали болалар реанимацияси бўлими мудири

## “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

**Алимбеков Адҳамбек Камолович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби

**Аҳимбетова Гулбаҳар Канатбаевна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали ўқитувчиси

**Жумаев Шариф Каримович** — Сирдарё вилоят мусикали драма театри актери

**Каримова Севар Абдулазизовна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи

**Мамедов Мобил Якуб ўғли** — Республика озарбайжон миллий-маданий маркази раиси

**Махмудова Ҳикоят** — “Мозийдан садо” журнали бўлими муҳаррири

**Насриддинов Алишер Шоасилович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Низомиддинов Ҳайитали Маматқулович** — Республика сатира театри актери

**Сетян Мартин Вараздатович** — Республика арман миллий-маданий маркази раиси

**Тангриев Лазиз Хушбоқович** — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори

**Туркина Анна Владимировна** — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг Давлат хор капелласи бадий раҳбари

**Умаров Баҳодир Зокирович** — “Маънавият” нашриёти бош муҳаррири

**Умарова Бахтигул Сериковна** — Навоий вилояти Қонимех туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби-

нинг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Ўринов Эсонбой** — “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи

**Халмурзаев Альберт Шарифович** — Ўзбекистон Ёшлар театри актери

**Шокин Дмитрий Александрович** — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юнусов Салават Идрисович** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси ижодий гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйдагилар мукофотлансин:

## “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдувоитова Гулчехра Имонкуловна** — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

**Абдурахмонов Бекзод Маҳмаджонович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Акрамхўжаева Феруза Ғанихўжаевна** — Ўзбекистон давлат табиат музейи табиатшунослик бўлими катта илмий ходими

**Алиева Дилдорхон Юнусовна** — “Жаҳон адабиёти” журнали катта корректори

**Алимова Сабоҳат Зарифовна** — Сурхондарё вилояти Термиз санъат коллежи халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси

**Алланазарова Қизларгул Толиббековна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқўл тумани тиббиёт бирлашмаси. “Алтинқўл” кишлоқ врачлик пункти мудири

**Алланазаров Рудакий Оринбаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси катта ўқитувчиси

**Аҳмадалиева Гулноз Икромовна** — Олимпия шон-шўхрати музейи бош муҳофизи

**Очилова Манзура Шералиевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қошидаги академик лицей математика фани ўқитувчиси

**Бобоёров Абдунаби** — “Куч — адолатда” газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири

**Воронина Екатерина Александровна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Галактионов Валерий Владимирович** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси артисти

**Ерходжаев Нажмиддин Сирожиддинович** — Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири

**Жуманиёзова Раъно** — Республика Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши тумани бўлими тарғиботчиси

**Зарипова Меҳрибон Абдурахмоновна** — Ўзбекистон миллий телерадиоканали Бухоро вилоят телерадиоканали катта муҳаррири

**Зиёددинов Шавкат Нажмиддинович** — Республика Маънавият тарғибот маркази Қўшработ ту-

мани бўлими тарғиботчиси

**Ибрагимова Милоҳат Воҳитовна** — “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи катта корректори

**Исамединова Юлдузой Ибражоновна** — Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 5-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори

**Кабиров Саидкарим Алимович** — “Истиқлол” санъат саройи директори ўринбосари

**Каллиев Абатбай Нагметуллаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

**Курбоннов Сойиб Ражабович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Латипов Жасурбек Мадаминжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мавлонов Саидмурхот Мақсудович** — ЎзФА Биоорганик кимё институти лаборатория мудири

**Меликузиев Бектемир Рўзमतжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

**Мирпайизов Мирбаҳтиёр Содикович** — “Ўзбекистон овози” газетаси муҳбири

**Муродова Ҳамро Бадаловна** — Қашқадарё вилояти “Чирокчи чироклари” фольклор-этнографик халқ ансамбли хонандаси

**Нийзова Нилуфархон Абдулхамидовна** — “Камолот” ЁИХ Наманган вилояти Кенгаши “Камолот” газетаси муҳаррири

**Нўмонов Исмоил Эргашевич** — Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

**Омонова Нодира Ўрозовна** — Қашқадарё вилояти Қамаш тумани тиббиёт бирлашмаси “Баландчайла” кишлоқ врачлик пункти мудири

**Отевов Толеген** — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлари илмий-тадқиқот институти Ботаника боғи директори

**Пўлатова Зухра Давроновна** — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси етакчи муҳаррири

**Ражапов Анвар Жумабоевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори

**Раҳматов Аскаралли Эшминович** — Сурхондарё вилояти Олтинсой ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Рўзметова Турсунбой Абдушариповна** — Навоий санъат ва маданият коллежи махсус фан ўқитувчиси

**Садирова Дилдор Ҳошимовна** — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Саъдуллаев Аллалар** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, кул

**Сайдиалиев Пўлат Собитович** — “Ватанпарвар” газетаси адабий ходими

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 август

И.КАРИМОВ

**Нўмон РАҲИМЖОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

## ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМИЗ



Абу Райхон Беруний “Ҳиндистон” асарида қадимий санскрит тилида адабиётнинг олти маъно — хусусияти муҳасаммашлаганини айтиб ўтади. Шулардан бири ва энг муҳими адабиётнинг элларни, миллатларни бирлашти-

ришдек буюк, беназир салоҳиятидир. Қўхна Шарқда адабиётнинг ўзақ магзини ташкил этган одоб, маънавий-ахлоқий, ақлий-интеллектуал тарбия масалалари билан баробар эзгу-олижаноб мақсадлар йўлида олам аҳли бошини қовуштиришдек тенгсиз имкониятлари алоҳида таъкидланади.

Буюк мутафаккир Беруний бобомиз таъкидлаган ҳикматлар бугунги истиқлол бадий-эстетик тафаккури тараққиётида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Адолат, эзгулик, гўзаллик сингари умумбашарий қадриятлар истиқлол адабиётининг устувор бадий-эстетик принципларига айланган. Муҳтарам Юртбошимизнинг адабиёт тўғрисидаги қарашлари-

да бадий маданиятнинг, истеъдоднинг тинчлик, биродарлик, ҳамжихатлик йўлида жаҳон халқларини жипслаштиришдек оламгир куч-қудратига катта аҳамият берилади. Истиқлол адабиёти раванакига давлат сиёсати микёсларида меҳр-эътибор кўрсатилмоқда.

Бадий, илмий қадриятлар яратиб борасидаги интилишларимиз, изланишларимиз юксак назар-эътиборга лойиқ қўрилаётгани ижодкорлар, олимлар қатори менинг кўнглимда ҳам миннатдорлик, шукроналик туйғуларини жўш урдири. Бундай рағбат, албатта, янги тадқиқотлар, бадий, илмий изланишларда бизга илҳом, куч-ғайрат бағишлайди.

1926





